

УЎК: 631.67

doi 10.5281/zenodo.13823050

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА, ЗАМОНАВИЙ СУВ ТЕЖОВЧИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФОЙДАЛАНИБ СУВ ТАНҚИСЛИГИ  
МУОММОСИНИ КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ



**Матякубов Баҳтияр Шамуратович**

қ.х.ф.д., профессор “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжасалигини механизациялаши мұхандислари институти”  
Миллий тадқиқот университети, Тошкент, Ўзбекистон

**Яхёев Ойбек Рахматов ўғли**

“ТИҚҲММИ” миллий тадқиқот университетининг Қаршии ирригация ва агротехнологиялар институти,  
Қарши, Ўзбекистон

**Аннотация.** Хозирда бутун дунё миқёсида, Республикада, жумладан Қашқадарё вилоятида ўйлдан - ўилга сув танқислигининг кузатилаётганлиги қишлоқ хўжасалиги экинларини етишишида мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш кераклигидан далолат ҳисобланади. Сувни экин талабидан келиб чиққан холда етказиб беришда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш катта аҳамият касб қиласди.

Уибу муаммоларни хал килишида замонавий сув тежовчи технологиялар асосида, қишлоқ хўжасалиги экинларнинг сугории муддатини тўғри белгилаш, сугории сувларини мақбул даврда ва белгиланган нормада бериши фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини янада ошириши имконини бериши уибу мақолада ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Қашқадарё, сув танқислиги, сув тежовчи замонавий технологиилар, томчилатиб сугории, ёмғирлатиб сугории, дискерт, тупроқ остидан сугории, буғдой ва пахта экинлари, сув тақчиллиги, чора-тадбирлар.

**МЕРЫ, ПРИНИМАЕМЫЕ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ  
ВОДОДЕФИЦИТА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОВРЕМЕННЫХ  
ВОДОСБЕРЕЖАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ  
ОБЛАСТИ**

**Матякубов Баҳтияр Шамуратович**

д.с.х.н., профессор Национальный исследовательский  
университет “Ташкентский институт инженеров ирригации  
и механизации сельского хозяйства”, Тошкент, Узбекистан

**Яхёева Ойбек Раҳматовиҷ**

Докторант Каршинский институт ирригации и  
агротехнологий при Национальном исследовательском  
университете «ТИИИМСХ», Карши, Узбекистан

**Аннотация.** Тот факт, что дефицит воды наблюдается из года в год во всем мире, в республике, в том числе и в Каракалпакской области, является показателем необходимости эффективного и рационального использования имеющихся водных ресурсов при выращивании сельскохозяйственных культур. Большое значение имеет внедрение водосберегающих технологий в снабжении водой исходя из потребности сельскохозяйственных культур.

При решении этих задач на основе современных водосберегающих технологий поясняется, что можно еще больше повысить экономическую эффективность сельскохозяйственных предприятий за счет правильного определения периода орошения сельскохозяйственных культур, обеспечения поливной водой по оптимальное время и в указанном темпе.

**Ключевые слова:** Каракалпакия, маловодие, современные водосберегающие технологии, капельное орошение, дождевание, диспергатор, подпочвенное орошение, посевы пшеницы и хлопка, маловодье, меры.

## MEASURES TAKEN TO REDUCE THE PROBLEM OF WATER SHORTAGE USING MODERN WATER-SAVING TECHNOLOGIES IN THE KASHKADARYA REGION

**Matyakubov Bakhtiyor Shamuratovich**

Doctor of agricultural sciences, professor, "Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers" National Research University, Tashkent, Uzbekistan

**Yakhayev Oybek Rakhmat ugli**

PhD student Institute of Irrigation and Agricultural Technologies of the National Research University "TIQXMMI", Karshi Uzbekistan

**Abstract.** The fact that water shortages are observed year after year worldwide, in the Republic, including in Kashkadarya region, is an indication of the need to use the available water resources effectively and rationally in the cultivation of agricultural crops. The introduction of water-saving technologies in the supply of water based on crop demand is of great importance.

In solving these problems, on the basis of modern water-saving technologies, it is explained in this article that it is possible to further increase the economic efficiency of agricultural farms by correctly determining the period of irrigation of agricultural crops, providing irrigation water at the optimal time and in the specified rate.

**Keywords:** Kashkadarya, water shortage, modern water-saving technologies, drip irrigation, sprinkler irrigation, diskert, subsoil irrigation, wheat and cotton crops, water shortage, measures.

**Кириш.** Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амал-га оширилмоқда.

Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайнин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Фойдаланилган ўртача йиллик сув

микдори 51 — 53 млрд куб метрни, жумладан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган [2].

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришга ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллаштириш заруратини тақазо қилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзлари томонларидан илгари сурилаётгани таҳсинга лойик ҳамда дунё ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлмоқда. Бунга яққол мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиширишда томчилатиб суғориш технологиялридан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон, 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 4486-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5742 сонли фармони [4], Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ - 4486-сонли “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ - 4499-сонли “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технология-

ларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тօғрисида”ги қарори [5] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларни келтириш мумкин. Кутилаётган ҳароратнинг ошиши ва тез-тез содир бўладиган экстремал об-ҳаво ҳодисалари глобал ишлаб чиқаришга зарап етказиши мумкин. Ушбу экстремал об-ҳаво шароитлари пахта ўсимликларининг ўсиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [1].

Сувнинг асосиз йўқотилишининг олдини олиш ва ундан тежамкор фойдаланиш мақсадида кўпчилик ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланмоқда. Бу борада етакчилар Истроил, Хитой, АҚШ, Туркия ва Хиндистон каби давлатлардир [9].

Глобал иқлим ўзгариши, қўрғоқчилик ва шўрланган тупроқ иқлим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиширишда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларни қўллаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари жумладан Netafim (Истроил) ва Mashav international agricultural (Истроил), Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой) лойҳалар доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Марказий Осиёда охирги бир неча ўн йилликлар давомида кузатилиб келинаётган, юқори тезликдаги глобал иссиқлик асосий хавотирга солмоқда. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик майдонларида кенгайиб бораётган қурғоқчилик муносабати билан иқтисодиёт бирмунча нозиклашиб бормоқда. Сув танқислиги

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигига реал хавф солаётганини кўрсатмоқда. [www.12news.uz/].

Шу сабабли ҳозирги кунда қурғоқчилик худудларда замонавий сув тежовчи технологиялар асосида, бошоқли экин-ларнинг сугориш тартиби ва режимларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Илм фан тоборо ривожланиб бораётган бир пайтда нафақат юқори ҳосилдорлика бал-ким мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ натижаларга эришиш мумкин.

**Асосий қисм.** Ҳозирги кунда дунё миқёсида сув ресурсларни тежаш ҳамда замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда замо-навий сув тежамкор технологияларидан самарали фойдаланиш зарур. Республикаизда ҳам бу борада кўп иш-лар амалга

оширилмоқда. Замонавий ва илфор технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини етишириш йўлга қўйилган бўлиб, булар ўз самарасини бериб келмоқда. Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий тадқиқотларси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини унинг салоҳиятини маҳаллий ва марказий даражада мустаҳкамлаш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мамлакат ичида сув хўжалигини бошқаришни мақбуллаштириш, сув сектори маъёрий-хукуқий базасини такомиллаштириш ва табиий оғатлар хавфини пасайтириш борасида қўллаб-куватлашга йўналтирилган [6].

Томчилатиб сугориш Республикаизда кейинги йилларда сув тежовчи технологияларга жорий этилиши сезиларли даражада ўсган, 2023-

### 1-жадвал

#### *Қашқадарё вилоятида 2017-2023 йилда сув тежовчи технологияларни жорий қилиши юзасидан амалга оширилган ишлар тўгрисида маълумот [8].*

01.01.2024 йил

Худудлар	Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, (гаектар)	Сув тежовчи технологиялар жорий килинган умумий майдон, (гаектар)	%	Томчилатиб сугориш технологиси, (гаектар)	Ёмғирлатиб сугориш технологиси, (гаектар)	Дискрет сугориш тизими, (гаектар)	Эгилувчан қувурлар орқали сугориш, (гаектар)	Эгатта плёнка тўшаб сугориш, (гаектар)	Ерларни лазер текислаш, (гаектар)
Ғузор	31068	5369	17	2448	147		400	150	2224
Дехконобод	1868	186	10	186					
Қарши	40352	8752	22	3059	15		560	220	4898
Қарши ш	111	24	21	24					
Косон	61007	7962	13	3043	588		500	550	3281
Қамаши	27785	8176	29	4864	242		490	180	2400
Китоб	8235	3086	37	2053	221		680	132	
Миришкор	55788	7954	14	3539	110		620	160	3526
Муборак	31562	5138	16	2602	820		200		1516
Нишон	52137	13432	26	1526	634	600	780	500	9392
Қасби	44518	7767	17	1349	56		180	320	5862
Чирокчи	11880	7713	65	5591	92		660	222	1148
Кукдала	10671	3052	29	682	80		560	420	1310
Шахрисабз	17425	4234	24	2105			520	143	1466
Яккабог	21367	7176	34	4939	26		520	160	1531
Қашқадарё	415,775	90,022	22	38,010	3,031	600	6,670	3,157	38,554

Манба: Аму-Қашқадарё ИТХБ дан олинган маълумот.

йилда 473,5 минг гектарда томчилатиб, 44,7 минг гектарида ёмғирлатиб, 18 минг гектарида дискрет суғориш, 569 минг гектарида лазерли текислаш, 133,9 минг гектарида бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий қилган. 1 расмда келтирилишига қараганда, 2021 йилга қадар күпроқ томчилатиб суғориш усулига нисбатан бошқа сув тежовчи технологияларга эътибор қаратилган экан. 2021 йилдан сўнг эса қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишда сувни тежашда кўпроқ томчилатиб суғоришга эътибор қаратила бошланган [7].

Маълумки, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик экинлари талабидан келиб чиқкан холда сувни етказиб беришда Ўзбекистон Республикасида сувни насослар орқали кўтариб бериш бўйича етакчи бўлган вилоятлардан бири ҳисобланади. Мазкур вилоятда сувни етказиб бериш нархи юқори бўлиши турган гап. Шундан келиб чиқкан холда Кашқадарё вилояти туманларида 2017-2023 йилда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтиш хамда тадқиқот ишларини амалга ошириш катта аҳамият касб қиласди (1-жадвал).

Қашқадарё вилоятида 2024 йилгача бўлган муддатда сув тежовчи суғориш технологиялари қўлланилаётган умумий майдон 90,022 минг гектарни ташкил қилган холда, вилоятнинг умумий суғориладиган ер майдонининг 22 фоизини ташкил қилиши хамда келгусида янада йилдан йилга ошиб бориши сувдан самарали ва оқилона фойдаланишдан далолат ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик экинларни сувга бўлган талабини

қондириш учун суғориш суви насослар орқали амалга оширилади. Вилоятга кириб келаётган сувнинг 75 фоизи кўшни Туркманистон давлатидан “Амударё” ҳавзаси орқали Қарши магистрал каналидаги 7 кўтармали насос станциялардан, 5 фоизи “Зарафшон” дарёсидан орқали ва қолган 20 фоизи “Қашқадарё” дарёси ва ирмоқларидан олинади.

Сувнинг 80 фоизи насослар орқали олиниб, Амударё ҳавзасидан олинадиган 1 метр куб сувнинг далагача етказиб бериш таннархи Республикага энг қиммат ҳисобланади.

Вилоятда сув йифиш ҳажми 2,5 млрд метр куб бўлган 14 та сув омбор, 1386 та суғориш ва мелиоратив қудуқлар ва 69 та насос станциялар мавжуд.

Сув хўжалигига жами 256 та 2476 км узунликдаги магистрал ва хўжаликларо каналлар мавжуд бўлиб суғоришни амал-га оширишда катта аҳамият касб қиласди.

Кластер, фермерлар ҳисобида 20,4 минг.км хўжалик ички каналлар мавжуд, шундан 6,2 минг км лоток суғориш тармоқларини ташкил этади.

Вилоятдаги 514,1 минг гектар суғориладиган майдонларга ҳар йили 5,2 млрд метр куб сув талаб этилиб, сув манбаларида сувни танқислиги хамда бир нечта кўтариб бериш насосларни ишлашини ҳисобига олган холда 2023 йилда 4,8 млрд метр куб сув лимити ажратилган ва ишлатилган.

Вилоятдаги 514114 гектар суғориладиган майдонлардан 293959 гектар шўрланмаган, 220155 гектар майдон шўрланган (шундан 176540 гектар кучсиз, 34866 ўртacha, 8749 гектар кучли шўрланган) майдонлар ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилгандек,

йилдан-йилга сув танқислиги кузатилаётган бир вақтда, пахта хом ашёсини етиширишда илмий асосланган агротехник тадбирларни амалга ошириш ва суғориша сувни тежайдиган технологияларини жорий этишини илмий томондан асосланган тавсиялар хамда хулосаларни хисобга олиниши, хусусан:

- мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш;
- тупроқ - иқлим ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишнинг илмий асосланган агротехник тартиб қоидалари риоя қилиш;
- экинларни суғориша замонавий сув тежамкор технологияларини тадқикотларлаш, қуриш ва фойдаланишни йўлга қўйиш катта аҳамият касб қиласди.

Вилоятнинг суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари асосан ўртacha (64 %) унумдорлиги билан ажralиб туради. Тупроқ унумдорлигининг ўртacha бали 51%.

Хозирги кунда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинларни парваришилашнинг илмий асосланган, ресурс тежамкор, такомиллашган агротехнологияларини жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сув тежамкор суғориш технологиясини қўллашда қўйидагилар ҳисобига эришилади:

- суғориш меъерининг ўсимликнинг сувга бўлган талабига мослиги;

- сув тўғридан-тўғри ғўзанинг илдизи тизими ривожланадиган қатламга етказиб берилиши;
- тупроқдан буғланадиган сув миқдорининг камлиги;
- бегона ўтлар ривожланишининг чекланиши;
- суғориша берилаётган сувнинг дала бўйлаб тарқалиб кетмаслиги ва тупроқка сингиб кетмаслиги;
- даладан ташламага сув ташланмаслиги ва бошқалар.

Шу мақсадда дала шароитида ғўзани ҳисобий қатламида мақбул намликини таъминлаш, ғўза учун зарур бўлган вақтда сув ва озиқ моддаларни олишига доимий имконият яратиш учун сув тежамкор суғориш усулидан фойдаланиб далада тажриба ишлари олиб бориш катта аҳамият касб қиласди.

Ғўзани мақбул суғориш ва озиқланниш таъминлаш орқали пахта хосилининг юқори бўлиши ва сувни махсулдорлигига эришиш аниқланди.

**Кутилаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти.** Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, дала тажриба майдонида томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш тизимларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларни ўсиш-ривожланиш даврларида сувга бўлган талаби бўйича критик (эҳтиёжи энг ортган) даврлари аниқланади ва ушбу даврларни билиш экинларни қулай суғориш режимлари, меъёр ва муддатлари белгиланиб сувдан самарали фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилмоқда.

Томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш тизимларини қўллаш орқали қишлоқ

хўжалиги экинларини ривожланиш даврларида сув алмашинув хусусиятларидан сув сақлаш қобилияти, сув тақчиллиги, транспиратция жадаллиги, иссиқликка чидамлилиги, барг оғизчаларни очилиши ва бошқа физиологик кўрсаткичларни ўрганиш асосида, сув сарфи 20-30 фоизгача тежалади ва суғориш самарадорлиги ортади.

Томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш режимиning ўсимликларнинг ўшиш-ривожланишига, маҳсулдорлигига, хосилдорлигига, сифат кўрсаткичларига таъсири тадқиқ қилинади, тупроқнинг агрофизик агрокимёвий ҳоссаларига таъсири ўрганилади. Суғориш технологиялари қўлланилиши эвазига тупроқларида юз берадиган ирригация эрозияси жараёнлари хамда озуқа моддаларнинг даладан ташқарига ювилиб кетиши олди олинади ва тупроқнинг унумдорлиги сақланади. Суғориладиган майдонлар тупроқлари кам зичланади ва ғоваклиги сақланиб қолади. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, яъни сувнинг тупроққа бехуда сингиши олди олиниб, сизот сувлари сатхининг кутарилиши, тупроқнинг шўрланиши бартараф этилади. Натижада маҳсулот етиштиришда ресурслар иқтисод қилиниб маҳсулот таннархи пасайишига олиб келади. Тупроқ унумдорлиги йиллар давомида тикланиб унумдорлиги ортиб боради.

Экинларнинг ривожланиш фазаларида турли меъёрларда томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт ва тупроқ остидан суғориш амалга оширилиб, ўсимлик ривожи учун мақбул, ресурстежамкор суғориш меъёри ва муддати аниқланади.

Томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт ва тупроқ остидан суғориш давомида экин-

ларнинг ривожланиш фазаларига кўра турли меъёрларда ва турли муддатларда азотли минерал ўғитлар ҳамда стимуляторлар берилиши ташкил этилади ва энг мақбул озиқлантириш режими ишлаб чиқилади.

#### *мақсад ва вазифалари:*

Курғоқчилик худудларда қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш тизимларидан фойдаланган ҳолда аннанавий суғоришдан, сув сарфини иқтисод қилиш, экинлар суғориш меъёрлари ва муддатларини илмий исботлаш асосида юқори ва мўл ҳосил олишни таъминлайдиган энг мақбул суғориш тартиблари ва режимларни ишлаб чиқишидан иборат.

Ушбу тадқиқотларни амалга оширишда мавжуд сув ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш технологиялари орқали қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усулларидан фойдаланиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган.

- суғориш усулларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий ҳоссаларига, тупроқнинг мелиоратив ҳолатига таъсири ўрганилади.

- дон ҳосили учун сарфланадиган нисбий сув сарфи, транспирация жадаллиги, коэффициенти ва фотосинтез маҳсулдорлиги каби белгилари асосида экинларни сувга бўлган талабини баҳолаб борилади.

- томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш технологиялари асосида пахта ва кузги буғдой етиштиришда ҳар хил кўчат сонининг қимматли хўжалик белгихусусиятларига таъсирини ўрганиш, ҳар

бир экин учун оптимал кўчат сонини белгилаш;

- экинларнинг ривожланиш фазаларида турли меъёрларда томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш борасида тадқиқотлар олиб бориш ва экинларнинг ривожи учун мақбул, ресурстежамкор суғориш меъёри ва муддатини аниқлаш;

- экинларни анъанавий ва таклиф қилинаётган инновацион етишириш агротехнологияларини ўзаро таққослаш асосида иқтисодий самарадорлик кўрсатичларини ишлаб чиқиш;

- замонавий суғориш технологиялари асосида ғўза ва буғдой экинларини етиширишда агротехник тадбирлар ва ресурслардан фойдаланишнинг инновацион ечимлари бўйича илмий қўлланма ишлаб чиқиши.

Қишлоқ хўжалиги экинлари асосан вегетация даврида генератив органлари ни ҳосил қилиш даврида қўпинча намлик этишмаслигидан азият чекади, бунинг натижасида физиологик нормал ўсишда қийинчиликлар пайдо бўлади ва уларнинг ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади. Бунга асосий сабаблардан ҳанузгача сув танқислиги бўлиб қолмоқда. Пировард натижада эса, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг йил бўйича ўзгариши кузатилмоқда. Бундай шароитда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали ҳосилдорликни оширишнинг энг оқилона усулларини жорий этиш зарур бўлади.

Тадқиқотлар доирасида илк бор Республиkaning жанубий минтақалари тупроқ-икклим шароитларида (Карши тумани мисолида) пахта етиширишда томчилатиб, дискерт (пульсар), тупроқ остидан ҳамда кузги буғдой етиш-

тиришда ёмғирлатиб суғоришнинг инновацион агротехнологияси яратилади.

Замонавий суғориш тизимларида қишлоқ хўжалиги экинларни ўсиш ривожланиш даврининг ҳар бир босқичида барг орқали сув сақлаш қобилияти, сув тақчиллиги ва иссиқликка чидамлилик темпратураси ўрганилиб, сувга бўлган талабининг критик босқичлари таҳлил қилинади.

Замонавий суғориш тизимларига боғлиқ ҳолда дон ҳосили учун сарфланадиган нисбий сув сарфи, транспирация жадаллиги, коэффициенти ва фотосинтез маҳсулдорлиги, ўсиш ривожланиш даврида кечеётган физиологик-биокимёвий жараёнлари каби белгилари асосида экинларининг сувга бўлган талаби баҳолаб борилади, шу асосида чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилади.

Замонавий суғориш тизимларининг тупроқ мелиоратив ҳолатига, тупроқ намланиш даражаси ва ўсимликлар илдиз тизими шаклланишига таъсирини баҳолаш орқали илмий асосланган мақбул суғориш тартиблари, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияси ишлаб чиқилади.

Курғоқчилик худудларда замонавий суғориш тизимларига боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларни етиширишнинг сув сарфи камайиб экинларни суғориш ҳаражатлари 25-40% га камайишига эришилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан ғўза ва кузги буғдой навларини ёмғирлатиб, томчилатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш технологиялари асосида суғориш тартиби ва режмилари ишлаб чиқилади.

Ҳар бир суғоришдан сўнг, тупроқ

қатламида ўсимликларнинг илдиз массасини тақсимланишини аниқлаш мақсадида тажриба пайкарчаларида ўсиш-ривожланиш фазаларида аниқланди. Илдиз массаси тупроқ қирқими юзаси  $25 \times 25 \times 30$  см бўлган монолитларда аниқланди. Бунда, тешиклари 0,25 мм бўлган элакларда илдизлар ювилиб, тирик ва ўликларга бўлиниб, ҳаво қуруқ ҳолатига келтирилди ва тортилди. Барча натижалар ўсимликларнинг тирик илдизлари массаси учун ҳисобга олинади (Н.А.Качинский, М.Г.Тарановская).

**Хуноса.** Мазкур тадқиқотларни амалга ошириш давомида сувлардан самарали фойдаланиш мақсадида қурғоқчилик худудларда замонавий янги суғориш тизими, ёмғирлатиб, томчилатиб, дискерт (пульсар) ва тупроқ остидан суғориш услублари асосида кузги ва пахта экинларининг суғориш тартиби ва режимлари илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган илмий ишланмани кластер ва фермер хўжаликларда синовдан ўтказилади ва қурғоқчилик худудларда кенг майдонларга жорий этиш орқали, юқори ҳосил билан таъминланишига ҳамда экинларнинг сувга бўлган сув сарфини камайтириш ва сув ресурсларини тежалишига эришилади.

Республиканинг жанубий худудларида тупроқ иқлим шароитига мос замонавий этиштириш технологияси илмий асосланади ва соҳа тадқиқотчилари (талабалар, магистрлар, фан номзодлари, ва фан докторлари) фойдаланишлари учун маълумотлар яратилади, соҳа бўйича ёш кадрлар таёrlанади.

Иқлим ўзгариши бугун дунёning барча нуқтасида кузатилмоқда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам. Фермер, дехқонларнинг об-ҳаво, иқлим ўзгариши туфайли

зарар кўриши қелгусида аҳолининг озиқовқат хавфсизлиги, соғлом озиқланиш, экспорт ва импорт, миграция, қишлоқ худудларини ривожлантириш, бандлик даражаси, қўйингки, аграр ва иқтисодий тараққиётнинг кўплаб индикаторларига таъсир кўrsатади.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторида иқлим ўзгаришига мослашиш ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш ривожланишнинг муҳим омили. 2050 йилга келиб, ҳарорат 1 дан 2,5 даражагача ошиши, ёғингарчилик +/-20 фоиз ўзгариши ва ойлик суғориш учун сув 20–35 фоизга камайиш эҳтимолини кўrsатмоқда.

Кўпгина мамлакатларда озиқ-овқат саноати учун бошоқли экинларни ҳамда чорвачилик учун техник экинларни етиштириш қишлоқ хўжалигининг муҳим қисмидир.

Суғориладиган экин майдонларини сув билан таъминлаш учун ҳар бир экиннинг суғориш меъёрлари бўйича талаб этиладиган сув 54,4 млрд.  $m^3$  бўлиб, 2030 йилда мавжуд сув миқдори 47,4 млрд.  $m^3$  ни ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинган. Талабга нисбатан етишмайдиган сувнинг 7,0 млрд.  $m^3$  қисмини сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ( $2,0$  млрд  $m^3$ ), ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ( $2,2$  млрд  $m^3$ ), сув хўжалигини рақамлаштириш ( $0,6$  млрд  $m^3$ ), экин майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш ва сувсизликка чидамли экинлар улушини кўпайтириш ( $2,2$  млрд  $m^3$ ) ҳисобига қоплаш имконияти мавжуд.

Бу муаммони бартараф этишнинг асосий йўли битта, у ҳам бўлса янги сув тежовчи технологиялар асосида, янги

суғориш технологияларни жорий қи-  
лиш, фермерларни малакасини ошириш  
ва қишлоқ хўжалиги экинларнинг су-  
гориш тартиби ва режимларни илмий  
асосланган ҳолда ишлаб чиқишдан  
иборат.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 25.10.2019 йилдаги ПҚ-4499-сонли Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ - 4499-сонли "Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тоғрисида" ги қарори.
4. Аму-Қашқадарё ИТҲБ дан олинган маълумот. <https://uza.uz/ru/posts/nasha-tsel-ekonomiya-vody-i-dostizhenie-vysokoy-urozhaynos-ti-23-01-2020>.
5. [https://imrs.uz/public/publications/articles-and-abstracts/drip\\_irrigation](https://imrs.uz/public/publications/articles-and-abstracts/drip_irrigation).
6. <https://www.iisid.org/system/files/2023-01/2023-global-market-report-cotton.pdf>.
7. <https://lex.uz/docs/4892953?ONDATE=06.02.2024>.